ҮШБУ СОҲДА:
2 ЛОҚАЙДЛИК
3 ГИЁҲВАНДЛИК ГИРДОБИ
XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 ҚАЛБ КЎЗЛАРИ...

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 41 (496) 2006 йил 17 октябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Эфир орқали кўрсатув ёки эшиттириш берувчи ташкилот ўзи эфирга узатиш ҳуқуқини олган асарни муаллифнинг розилигисиз ва қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда ўз ускуналари ёрдамида ҳамда ўз кўрсатувлари ёки эшиттиришлари учун амалга ошириш шарти билан қисқа муддат фойдаланиш учун ёзиб олиши мумкин. Агар бундай ёзувни сақлашнинг узоқроқ муддати муаллиф билан келишилган бўлмаса, ташкилот уни тайёрланганидан кейин олти ой ичида йўқ қилиб юбориши шарт. Агар бундай ёзув фақат ҳужжатли тусда бўлса, ёзув асар муаллифининг розилигисиз давлат архивларида сақланиши мумкин.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 31-МОДДА

ОБОД КЎНГИЛ МАНЗИЛЛАРИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» жаҳон миқёсида энг самарали стратегик концепция сифатида эътироф этилди. Чунки у ислоҳотларнинг изчиллиги ва собитқадамлигини ифода этиш билан бирга келажакка дахлдор кенг кўламли ислоҳотларни амалда босқичма-босқич рўёбга чиқаришга асосланган-дир. Бугунги кунда бу тамойилга ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда қатъий амал қилинмоқда.



Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳам Президентимиз белгилаб берган ўша сиёсатнинг узвий бир қисмидир. Шу боис ҳам юртимизда бирорта шаҳар ёки қишлоқ йўқки, у ерда янги, замонавий бино, иншоотлар қурилмаган бўлса, ҳеч бир тизим ёки тармоқ қолмадики, жаҳон андозалари даражасида қайта бунёд этилмаган бўлса.

Кун сайин чирой очаётган шаҳару қишлоқларимиз бугун озод Ватанимиз бағрида ўзгача чирой касб этмоқда. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳри мустақиллик даврида яшариб, чирой очиб, тобора ўзгача кўрку жозиба касб этиб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Шаҳримизнинг бир-биридан равон йўлларида, кенг ва ёруғ кўчаларида қадам ташлар экансиз, қалбингиз завқ-шавққа, фахр-ифтихорга тўлади. Чор атрофда қад ростлаган маҳобатли иморатлар, шинам ва ораста кўчалар, янги-янги боғ-роғлар завқингизни оширади. Бугун азим шаҳримиз шундай жамол касб этмоқдаки, дунёнинг менман, деган шаҳарлари билан бемалол беллаша олиш қудратига эга. Ўзингиз ўйлаб кўринг, арзимаган муддат ичида қарийб уч миллионга яқин аҳолини ўз бағрига сиғдирган катта шаҳарнинг инфратузилмасидан тортиб коммунал соҳаларигача, маданий-маиший тармоқларидан то кўча-хиёбонлар ободончилигигача жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш осонми? Албатта, бу бунёдкорлик замирида жуда катта меҳнат, шижоат ва ташаббускорлик салоҳияти ётади. Биргина шаҳардаги йўл ва кўприклар қурилишини олайлик.

Бугунги кунда Сағбон, Қорасарой, Ғафур Ғулом, Фаробий каби эски шаҳарнинг тор кўчалари икки баробар кенгайтирилиб, кенг ва равон магистрал йўллар, пиёдалар учун йўлаклар барпо этилди. Эски шаҳардаги Зарқайнар ва Уйғур кўчалари, Хадра майдони қайта таъмирланди. Фурқат, Қорасарой, Бешёғоч, Каттабоғ кўчаларида замонавий кўприклар, ерости ва усти ўтиш йўллари барпо этилдики, булар бугун нафақат йўловчиларга қулайликлар яратмоқда, балки меъморий санъат обидаси сифатида ҳам одамлар эътиборини тортмоқда.

Аҳмад Дониш кўчасида бунёд этилган узунлиги 1151 метрли олти қатор автомобиль ҳаракатлана оладиган кўприк бугун эски шаҳарни Юнусобод ҳамда Чилонзор туманлари билан боғлаб турибди.

1995 йилда Бобур кўчасидаги Бўрижар ариғи устидан 83 метр узунликда қурилган кўприк, 1996 йилда битказилган Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчаларидаги автомобиль йўл ўтказгич, 1997 йилда А.Қодирий ва М.Мусахонов кўчалари чорраҳасидаги йўл ўтказгич, 1999 йилда Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчалари чорраҳасида қурилган йўл ўтказгич, 2000 йилда Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб Абдураҳмонов, Мискин, Уста Ширин кўчалари устидан кесиб ўтган 700 метр узунликдаги автомобиль йўл ўтказгич, шаҳардаги тўққизта туманни ўз ичига оладиган 32,2 км узунликдаги Кичик халқа йўли, истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган Фарҳод кўчаси ва Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси чорраҳасидаги 400 метр узунликдаги кўприк...

(Давоми иккинчи бетда)

2006 йил 25-26 августда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун маъқулланди.

Qonun ijodkorligi

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ

қонун орқали мустаҳкамланади

Мамлакатимизда кимёвий, радиация, ёнғин ва портлаш хавфи бор ишлаб чиқариш объектларининг, катта транспорт тармоғи ва кенг техномуҳитнинг мавжудлиги ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар яратилмагани, шунингдек, бундай объектлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари қонунчилик тартибида мустаҳкамлаб қўйилмагани мазкур қонуннинг қабул қилинишини тақозо этарди.

Қолаверса, хавфсизлик қоидалари, меъёрий-техник ҳужжатлар, асосан, муайян техник муаммоларга доир бўлиб, саноат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқий мақомини тўла-тўкис акс эттирмайди.

"Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун хавфли ишлаб чиқариш объектларида ҳалокатлар хавфини камайтиришга ҳамда бундай объектлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳалокатни бартараф этиш ва унинг оқибатларини тугатишга тайёрлигини таъминлашга йўналтирилган. Яъни ушбу қонун моҳият-мазмуни билан ҳалокатларнинг олдини олиш ва хавфсизликни режалаштириш чораларини кўришга хизмат қилади.

Йигирма уч моддадан иборат мазкур қонун лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ҳамда фаолият юритаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларига нисбатан қўлланилади.

Қонунда белгиланган ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг бир қисми илгари қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан. Бундай усулларга саноат хавфсизлиги соҳасидаги назорат, саноат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техник қурилмаларни мажбурий сертификатлаш, ҳалокатларни ҳисобга олиш ва уларнинг сабабларини текшириш, хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлайдиган ходимларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш сингари талаблар киради. Ушбу қонун билан белгиланган ҳамда саноат тараққиётининг замонавий босқичи ҳисобга олинган хавфсизликнинг янги талабларига қуйидагилар киради:

- **саноат хавфсизлигини экспертиза қилиш;** яъни саноат хавфсизлиги талабларини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилигини ҳамда уларнинг қабул қилинган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини аниқлашга йўналтирилган фаолият;
- **давлат реестрида хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш;** яъни муайян бўлимлар бўйича таснифланувчи хавфли ишлаб чиқариш объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва сақлаш механизми;
- **саноат хавфсизлиги декларацияси;** яъни давлат бошқарув идоралари, жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқароларга саноат объектларидаги хавфсизликнинг аҳволи тўғрисида ахборот бериш ҳамда аҳоли ва ҳудудларни ҳалокатлардан муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини оширишнинг замонавий усули;
- **хавфли ишлаб чиқариш объектида ҳалокат юз берган ҳолларда етказилган зарар учун жавобгарликни суғурталаш;** яъни хавфли ишлаб чиқариш объектида юз берган ҳалокат оқибатида зарарни қоплаш юзасидан саноат хавфсизлиги даражасини ошириш, давлат бюджетига юкни камайтириш ҳамда саноат хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча манбаларни шакллантиришда тадбиркорлар масъулиятини оширишнинг иқтисодий механизмини шакллантириш.

Бундан ташқари, ушбу қонун қуйидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган:

- **саноат хавфсизлигини таъминлаш тизимининг амалий фаолиятини юритиш;**
- **хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишловчи ходимларнинг ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг малакасини ошириш;**
- **ишлаб чиқариш жароҳатларини пасайтириш;**
- **содир бўлиши эҳтимоли бор ҳалокатларнинг олдини олиш;**
- **хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ҳамда ҳалокатлар оқибатида етказилган зарарларни қоплашнинг молиявий заҳираси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;**
- **саноат хавфсизлигининг жамият учун мақбул бошқарувини таъминлаш.**

Қонуннинг алоҳида моддаларига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг тўртинчи моддасида хавфли ишлаб чиқариш объектлари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонунга биноан, саноат хавфсизлиги соҳаси бевосита давлат томонидан тартибга солиниши уқтирилган. 6-модда эса, саноат хавфсизлиги бўйича давлат томонидан тартибга солиш:

- саноат хавфсизлиги талабларини белгилашни;
- саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштиришни;
- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни;
- саноат хавфсизлиги экспертизасини ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олади.

Умуман, мазкур қонун Ўзбекистонда хавфли ишлаб чиқариш объектларида ҳалокатлар содир бўлиш хавфини камайтиришга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳалокатни бартараф этиш ва унинг оқибатларини тугатишга тайёрлигини таъминлашга хизмат қилади.

Элмурод ХОЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Xabar

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда Адлия вазирлигида «Ҳуқуқий тарғибот ишларини такомиллаштиришда давлат идоралари ҳамкорлигининг истиқболлари» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ҳарбий суд ва Ҳарбий прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий Маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, олий ўқув юртлари ҳамда республика юристлар малакасини ошириш Маркази профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ихтиёр Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

Семинарда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни, ҳуқуқий тарғибот ишларини такомиллаштиришда давлат идоралари ҳамкорлигининг истиқболлари каби мавзуларда қатор маърузалар тингланди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда Конституция ва қонунларни нафақат мактаб, балки мактабгача тарбия муассасаларида ўргатилаётгани ёш авлоднинг тамоман янгича фикр ва қарашлар билан камол топаётганлиги, шаклланаётганлигини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлигининг самарасидир.

Йиғилишда, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларида фуқароларга тез таъсир этадиган ҳаётий услублардан фойдаланишга камроқ эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

— Аввалларида сайёр суд мажлисларини ўз ишини мактаб, корхона, ташкилот ва қишлоқ клубларида олиб борарди, — деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов. — Бунинг эса ўзига хос тарбиявий аҳамияти, қонунчилик тарғиботига қўшадиган ҳиссаси беқиёс эди. Бундай тадбирларни янада кучайтиришни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Семинар-кенгаш иштирокчилари ҳуқуқий-тарғибот ишларини такомиллаштиришда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар катта натижа беришини таъкидлаб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида **«Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Меморандум** имзоланганлиги ва ҳамкорлик чоралари белгиланганлигини юқори баҳолашди.

Йиғилишда Меморандум ушбу давлат идораларининг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ва олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди ва келгусида бу йўналишдаги амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Адлия вазирлиги Матбуот хизмати

Jamiyatimiz maqsadi

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз кўрсатди. Айтиш мумкинки, бу борада қонун устуворлигининг таъминланиши асосий вазифа қилиб белгиланди. Зеро, қонунлар мукаммал бўлиши баробарида уларга оғишмай риоя этиш жамият тараққиётининг асосий шарти ҳисобланади.

Мамлакатимиз Бош Қомусида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бош омил сифатида қаралиши давлатимизнинг нафақат ҳуқуқий, балки демократик жамият сари дадил қадам ташлаганлигини кўрсатди. Бу эса ўз ўрнида Конституциямизда белгиланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш ва ана шу талабларга қатъий риоя қилиш зарурлигини кўрсатди. Демак, бу жараён ўз навбатида жамиятда одил суд тизимини ислоҳ қилиш масаласини ҳам ўртага қўйди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда, ҳеч шубҳасиз, асосий Қонунимиз тамал тоши вазифасини ўтади. Конституциямизнинг 106-116-моддаларида суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгиланиб, суд ҳокимияти ва судьялар фақат қонунга бўйсуниши белгилаб қўйилди. Энг асосийси, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, шунингдек, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият кўрсатиши тўғрисидаги конституциявий тамойил том маънодаги одил судловни амалга оширишга имкон яратди. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги қонунга асосан суд тузилиши ва судлов ишларини юритишга оид конституциявий тамойиллар янада мустаҳкамланди.

Суд фуқаролар кўз ўнгида уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идора сифатида гавдаланишида тизимнинг муҳим таркибий қисми бўлган жазо тизимини либераллаштириш ҳам алоҳида ўрин тутади. Эътироф этиш керакки, ўтган йиллар мобайнида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, 2001 йил 29 августдаги II чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун тизимнинг ислоҳ этилишида муҳим тарихий ҳужжат бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil va saboq

ТАҚДИМНОМА ИЖРОСИ

у нега юзаки таъминланди?

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш, энг муҳими, барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатилиши, бошқача айттанда, шартнома тузиш, шартномавий муносабатлар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

Албатта, бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кунда ҳаётимизда шартномавий мажбуриятлар алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, томонларнинг шартнома талабларига қатъий амал қилиши, ҳеч шубҳасиз, бирдек манфаат келтиради. Акс ҳолда...

Маълумки, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ва унинг вилоятлар марказларидаги ҳамда туманлардаги бўлимлари қишлоқ хўжалик корхоналарига ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш билан шуғулланади. Шу мақсадда 2006 йилда Марказнинг Фарғона вилояти Фурқат тумани бўлинмаси билан тумандаги хўжаликлар ўртасида 486 та 298.621.600 сўмлик шартномалар имзоланганди. Бу, албатта, яхши. Бироқ бу шартномаларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилганда, уларнинг айримлари **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги қонун талабларига зид равишда тузилгани маълум бўлди.

Масалан, бўлинма билан «Ният ижобат» фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартномада шартноманинг тузилган санаси, «Назиржон ота», «Уста Маннон» фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларда эса шартноманинг тартиб рақами ва санаси, «Баҳодир» фермер хўжалиги билан тузилган шартномада шартноманинг умумий баҳоси, «Дўстлик тонги» фермер хўжалиги, «Ота йўл-Б» фермер хўжалиги ўртасида имзоланган шартномаларда томонларнинг банк реквизитлари ва фермер хўжалиги раҳбарининг имзоси қўйилмаган, бунинг устига шартнома хўжалик муҳри билан тасдиқланмаган ҳолда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, ижрога қаратилган.

«Олтин тола» ва «Мўминжон ука» каби бир қатор фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларда эса қонуннинг 15-моддаси талабларига зид равишда шартноманинг умумий баҳоси бир томонлама бўяб ўзгартирилган ва ижрога қаратилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ezgulik timsoli

ОБОД КЎНГИЛ МАНЗИЛЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)



Бугун юртимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам замонавий гузарлар, ўқув муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган спорт саройлари бунёд этилдики, бунинг барчаси истиқлол берган кенг имкониятлар натижасидир. Бугун кўз ўнгимизда тенгсиз яратувчилик ишлари амалга оширилмоқдаки, бундан фахрланмаслик, замонага шукрона айтмаслик инсофдан эмас.

Қилинаётган ҳар бир ишга албатта, халқ манфаати, юрт келажагини ўйлаб, қўл урилади. Келажакнинг бугундан бошланишини англаган халқнинг умри боқий, йўли ёруғ бўлади. Ва шу эзгу ният уни бир куни муаззам зафарларга чулғаши шубҳасиздир. Шу ўринда бугун деярли қайтадан бунёд этилган Талабалар шаҳарчаси, Темирйўл вокзали ва унинг атрофидаги ободончиликларни кўриб, кишининг кўнгли завқ-шавққа тўлади. Талабалар шаҳарчасини айланиб, ўзим ўқиган йиллар, ўша давр манзаралари кўз олдимда гавдаланади. Каталакдек хона, иккита темир кроват, эшигини очсанг, дувиллаб сувараклар тўкиладиган «майиб» шкаф... Хуллас, учта ҳамхона беш йилни бир азобда ўтказганмиз. Бугунги талабалар шаҳарчасини таърифлашга эса тил ожиз. Шинам ётоқхоналар, муаззам спорт майдонлари, ошхона, компьютер хоналари, ётоқхоналардаги шароитларни-ку, гапирмасаям бўлади. Ҳар бир хона шундай дид билан жиҳозланганки, шаҳардаги «юлдузли» меҳмонхоналардан асло қолишмайди.

Юртимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида олиб борилган бунёдкорлик ишлари эса наинки, ўша майдон ва пойтахтимиз ҳаётида, балки ҳар биримизнинг миллий тафаккуримизда кескин бурилиш ясади десам, муболаға қилмаган бўламан. Зотан, шу майдон миллатимизнинг улуғворлиги, давлатимизнинг қудратини ўзида акс эттирган. Мустақиллик ва эзгулик монументи тоқига ўрнатилган ер шари ва унга зарҳал ҳарфлар билан битилган «Ўзбекистон» сўзининг ўзи олам-олам маъно касб этади. Қўлидаги боласига меҳр билан боқиб турган ёш она тимсолида эса, миллатимизга хос бўлган эзгуликни, меҳридарёликни кўрамиз. Майдонда барпо этилган муаззам Сенат биноси, Эзгулик аркаси ва майдонда олиб борилган ободонлаштириш ишлари унга шундай кўрк берганки, нафақат бизни, ҳатто чет эллик меҳмонларни ҳам лол қолдирмоқда.

Дунё тарихида ҳеч бир халқ, мамлакат, салтанат бўлмаганки, ўзининг қудрати-ю шавкатини тарих зарварақларига муҳрлашга уринмаган ва унда ўз халқи, миллати орзу-умидларини умумлаштиришга ҳаракат қилмаган бўлса. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам **«Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар, биз қурган биноларга боқсин»,** дея бекорга хитоб қилмаганлар. Негаки, ҳар бир қурилган бино ва умуман, юртимиздаги ободончилик наинки бугунги авлодга қувонч бағишлайди, балки келажак авлод қалбини фахр-ифтихорга тўлдиради. Она юрти, муқаддас ватанига нисбатан меҳрини оширади.

Бундай бунёдкорлик ишлари бугун бутун республикамиз миқёсида кенг қулоч ёйган. Буни ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Қарши шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзининг катта тўйига тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳри бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Шаҳарнинг буюк Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи бош кўчаси янада кенгайтирилди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта таъмирланиб, улкан кўл ва фавворалар бунёд этилди.

Умуман, Қарши шаҳрини обод қилиш анъанасини Президентимиз бошлаб берган эдилар. У киши Қашқадарёда раҳбарлик қилган кезлари қурилган кўркам бозор бугун ҳам қаршиликларнинг дастурхонини обод қилмоқда. Самимият самимийликка чорлайди, деганларидек ўша йилларда қилинган самимий ният бугун ўз тасдиғини топмоқда. Гарчи шаҳарда асосий қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилган бўлса-да, тўйни муносиб тўёналар билан қаршилашни ният қилган қаршиликларнинг қўллари-қўлларига тегмайди.

Халқнинг бир тан, бир жон бўлиб қилаётган фидокорона меҳнати, ҳашарлар туфайли Қарши шаҳрининг қиёфаси бугун таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қисқа вақт ичида барпо этилган боғлар, хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар, муҳташам бинолар шаҳар кўркига кўрк бағишлаётир.

Ушбу ўзгаришлар, бунёдкорликлар замирида битта нарса ётади. Кўнгил ва руҳ софлиги. Агар кўнгил тоза, руҳ учқур бўлмас экан, наинки, бунёдкорлик, балки яшашнинг ўзиям машаққатга айланади. Фақат пок кўнгилли одамларгина бундай бунёдкорликларнинг бошида тура оладилар. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек, **«юрт ободлиги қалб ободлигидан бошланади».**

Ўрал СОДИҚ

Muloqot

МЕҲНАТ НОГИРОНИ УЧУН ИМТИЁЗ

— Мен одатда, ишга велосипедда қатнардим. Бироқ бундан олти ойча муқаддам йўлда бахтсиз ҳодиса рўй берди, оқибатда олган жароҳатларим туфайли I-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Энди мен меҳнатдан майиб бўлиш туфайли ногиронлик нафақасини олишим мумкинми? Умуман айтганда, қандай ҳолларда меҳнатдан майиб бўлиш ногиронлик, деб топилади?

Б. АҲМЕДОВ,
Самарқанд шаҳри

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарорининг 7 иловасида ногиронликни келтириб чиқарувчи жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқ уриши, куйиш, совуқ уриш, чўкиш ёки авариялар туфайли саломатликнинг бошқача шикастланиши қуйидаги ҳолларда содир бўлса (электр токи ёки яшин уриши шунингдек, табиий офатлар, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ташқари), ногиронлик меҳнатда майибланиш туфайли содир бўлган, деб ҳисобланади:

а) меҳнат вазифаларини бажаришда (шу жумладан, хизмат сафари вақтида), шунингдек, корхона ёки ташкилот манфаатлари йўлида ҳатто махсус топшириқсиз бирон-бир ишни бажарганда;

б) корхона, ташкилот ҳудудида ёки бошқа жойда иш вақти давомида (белгиланган танаффус вақти ҳам шунга киради), шунингдек, иш бошланиши ёки тугаши олдидан ишлаб чиқариш қуролларини, кийимбош ва бошқаларни тартибга келтириш учун зарур бўлган вақт давомида;

в) иш вақти давомида (белгиланган танаффуслар ҳам шунга киради) корхона, ташкилот ёки бошқа иш жой яқинида, агар у ерларда бўлиш ички меҳнат тартиби қоидаларига зид бўлмаса;

г) ишга бораётган ёки ишдан қайтаётганда;

д) вахтали шаҳарча ҳудудида вахта-экспедиум усули билан ва табиий офат вақтида сменали дам олишда бўлган ходим билан юз берганда;

е) давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатга олинган жамоат ташкилотларининг топшириқларини (гарчи бу топшириқлар асосий иш билан боғлиқ бўлмаса ҳам) бажаришда;

ж) инсон ҳаётини сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамоат мулкини, фуқаролар мулкини, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароси бурчини бажариш вақтида;

з) иш куни давомида маъмуриятнинг (бўлим, бўлинма, цех, участка раҳбарлари ва шу кабиларнинг) ходимнинг вазифасига кирмайдиган топшириқларни бажариш вақтида;

и) донорлик вазифасини бажариш даврида ногирон бўлса, бу ҳам меҳнатдан майибланиш ҳисобланади.

Демак, сиз ҳам вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб қаралса, меҳнатдан майибланиш натижасида ногирон бўлган деб топиласиз.

ЮРИДИК ШАХС КИМ?

Оммавий ахборот воситаларида юридик шахс деган тушунча тез-тез тилга олинади. Бироқ мен бу ҳақда аниқ тасаввурга эга эмасман. Айтинг-чи, юридик шахс деб кимларга айтилади?

З. АКБАРОВА,
Норин тумани

— Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси ҳақида сўз юритилган бўлиб, ўз мулкида хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга оширадиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.

Юридик шахсларнинг қуйидаги турлари мавжуд: тижорат ва нотижорат ташкилотлар.

Шу билан бир қаторда юридик шахслар ушбу кодекснинг 44-моддасига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик кодексининг 45-моддасида юридик шахснинг органлари ҳақида сўз юритилиб, юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

Айтинг-чи, мен истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқимни суд орқали ҳимоя қилишим мумкинми?

Ш. АКМАЛОВА,
Зарафшон шаҳри

— Ҳа, сиз истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқингизни суд орқали ҳимоя қилишингиз мумкин.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ҳудуддаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволари давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Шу билан бирга Фуқаролик-процессуал кодексининг 1-моддасига асосан манфаатдор шахс ўз бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?

Мен касб касаллиги туфайли II-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Шу боис ижтимоий таъминот бўлимига нафақа олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этишим керак?

Ф.ЭРМАТОВ
Касби тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарори билан **«Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 6-бандига мувофиқ, меҳнатдан майибланганлик ёки касб касаллиги оқибатида I ва II-гуруҳ ногирони бўлган шахс ногиронлик пенсиясини сўраб ариза бераётганда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) Меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқловчи ҳужжатлар;

2) Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Агар ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида келиб чиққан бўлса, унда бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатномалар (ёки бошқа расмий ҳужжатлар) тақдим этилади.

Бундан ташқари яна қуйидаги зарурий ҳужжатлар тақдим этилади.

1) аризачининг ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож деб тан олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

2) аризачининг уруш иштирокчиси эканлиги ҳақидаги ҳужжат.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Tahlil va saboq

ТАҚДИМНОМА ИЖРОСИ

у нега юзаки таъминланди?

(Давоми. Боши биринчи бетда)



«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 20 ва 21-моддаларида шартномалар хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатнинг имзосисиз тузилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Аммо «Абдусамад Муҳаммадалиев» фермер хўжалиги билан 2005 йил 26 декабрда тузилган 212-сонли шартномани имзолашда қонуннинг бу талабига амал қилинмаган. Шартнома бемалол ижрога киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 81-банди талабига кўра, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиш мониторингини ўтказиши, шу мақсадда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳар бир хўжалик бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш дафтарини юритиши шарт. Лекин бўлинмада буюртманомаларни рўйхатга олиш дафтари умуман юритилмаган.

Мазкур Низомнинг 65-бандида эса, моддий техника ресурсларини етказиб бериш, шартномада назарда тутилган хизматларни кўрсатиш хўжаликларнинг ёзма буюртманомаси асосида амалга оширилиши, бунинг учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарида қайд этилишини қатъий таъкидланган. Бироқ бу талабни «унутган» бўлинма масъул ходимлари фермер хўжаликлари манфаатларига жиддий зиён етказишган ҳамда шартномалар бажарилиши мониторинги юзасидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига ҳисоботларни тақдим қилмаган.

Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 12 майдаги **«Халқ хўжалигига ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ва томонлар ўртасида тузилган шартномаларнинг 3.2-бандига мувофиқ олдиндан тўлов амалга оширилмаган ҳолда товарлар жўнатиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш таъқиқланган. Аммо бунга қарамай, «Абдуллажон ота Пурматов», «Буюк Жаҳонгир», «Гулсара Ҳакимова», «Қодиржон Насриддинов», «Одилбой Қосимов» фермер хўжаликлари бўлинмадан 234.534 сўм миқдорида қарздор бўлса-да, жорий йилнинг июль ойида уларга 559.453 сўмлик маҳсулотлар етказиб берилган.

Шунингдек, бундай «имтиёз»га «Валиев Кўзибой ота», «Даврбек», «Дилмурод» фермер хўжаликлари ҳам эга бўлишган. Яъни ушбу хўжаликлар 243.352 сўмлик маҳсулотни ҳеч қандай олдиндан тўловларсиз олишган. Бундай ҳотамтойлик ўз навбатида бўлинмада дебитор қарзлар сунъий равишда ўсишига олиб келган.

Бундан ҳам ажабланарлиси шундаки, бўлинмадан «Чўлпон ота Раҳмонов», «Эргашбой», «Отабек» фермер хўжаликларининг ҳар бири 100.000 сўмдан, «Ўшар Машъал» фермер хўжалиги 68.800 сўм, «Дўстматов Акрам» фермер хўжалиги 56.000 сўм, «Барҳаёт Баркамол», «Деҳқонбой ота», «Захро-Беҳзоджон», «Ойистахон», «Фаррух» фермер хўжаликларининг ҳар бири 50.000 сўмдан, «Йўлдошев Райимжон ота» ва «Мавлонбек» фермер хўжаликлари 40.000 сўмдан, «Абдуллаев Баркамол» фермер хўжалиги 20.000 сўм миқдорида ҳақдор бўлишларига қарамай, шартномада белгиланган маҳсулот етказиб берилмаган ёки муддати ўтган кредиторлик қарзларини қайтариш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари, бўлинманинг «ишнинг кўзини билган» ходимлари давлат солиқ ва статистика идораларига тақдим этилган ҳисоботларда муддати ўтган қарздорликни кўрсатишмаган. Ваҳоланки, ўрганиш кунига қадар бўлинманинг 3.177.195 сўм муддати ўтган дебиторлик, 17.195.429 сўм муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Фарғона вилояти адлия бошқармаси ўз масъулиятсизлиги билан қонунбузилишларга йўл қўйган бўлинма бошлиғи Х.Маматқулов ва бош ҳисобчи А.Эргашевни хизмат лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслик масаласини ҳал қилиш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори номига ижроси мажбурий бўлган тақдимнома киритган эди. Айни шу мазмундаги тақдимнома Риштон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмасида аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича ҳам киритилганди. Аммо марказ директори ҳар икки туман бўлинмалари мансабдорларига нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазоси қўллангани ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилганини маълум қилиб, тақдимномага юзаки жавоб йўллади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Фурқат ва Риштон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмалари мансабдорлари шунча жиддий қонунбузилишларни содир этишса-ю, яна бунинг учун енгилгина «ҳайфсан» олиб, жавобгарликдан қутулиб қолишса, эртага юзага келган катта миқдордаги қарздорлик ва бошқа қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга ёки бундай ҳолатга қайта йўл қўймасликларига ким кафолат беради?

Ўйлаймизки, юқоридаги тақдимнома вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш марказида қайта муҳокама қилинади ва унинг ижроси юзаки эмас, балки тўлиқ таъминланади.

Уйғун ИМОМОВ,
Мўминжон УМАРОВ,
ҳуқуқшунослар

Mitti maslahat

ТЎЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК НИМА?

Меҳнат кодексининг 186-моддасида моддий жавобгарликнинг юзага келиши сабаблари ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага биноан, меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу кодексда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Мазкур кодекснинг 202-моддасида ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун (203-модда);

2) бир йиллик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алъкоголлик ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алъкоголли ичимлик, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Меҳнат кодексининг 201-моддасида таъкидланишича, агар ушбу кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Qonun ko`magi

ЛОҚАЙДЛИК

у охир-оқибат қонунбузилишга олиб келди

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур соҳадаги муаммоларга барҳам беришда муҳим амалий ишларга туртки берди. Қарор қабул қилингач, иш услубида ўзгаришлар юз кўрсата бошлади.

Қарорда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 29 сентябрдаги Фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссия, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2005 йил 1 январдан бошлаб электр энергияси учун аҳолидан маблағ йиғиш билан шуғулланувчи тузилмалар ва штатдаги лавозимларни қисқартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниши уқтирилган эди.

Таклиф ғоятда ўринли. Собиқ шўро давридан қолган — эшикма-эшик юриб, электр энергияси ҳақини йиғиш усули аллақачон эскирди. Қолаверса, ҳар бир туман электр тармоқлари корхонасида истеъмолчилардан маблағ йиғиш билан қанча одам машғул бўларди, ўзаро ҳисоб-китоблар механизми эскирган эди.

Албатта, электр энергияси ҳақи, умуман, коммунал хизматлар тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи. Зеро, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиш билан бирга бурчимизни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Янгиер шаҳар электр тармоқлари филиали фаолияти бўйича мониторинг ўтказилганда Вазирлар Маҳкамасининг **«Электр энергияси сотилиш ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори талаблари бажарилмаётгани маълум бўлди. Гап шундаки, филиалда электр энергияси учун аҳолидан маблағ йиғиш билан 17 нафар назоратчи штат жадвали бўйича банд экан. Бироқ истеъмолчилар билан ҳисобкитоб аҳволи яхши эмас, қарздорликлар бартараф этилмаган. Филиалнинг 2006 йил 1 август ҳолатига кўра, 502 миллион 615 минг 302 сўм дебиторлик, 19 миллион 658 минг 406 сўм кредиторлик қарзлари мавжуд. 2005 йилда судларга давлат солиқ инспекциялари орқали 12 та даъво аризалари киритилган. Аммо филиал томонидан хўжалик судига қарздорликни ундиришни сўраб мустақил равишда мурожаат қилинмаган.

Шартномалар истеъмолчилар билан «Сирдарё электртармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти ўртасида тузилган. Шартномага кўра, Янгиер шаҳар электр тармоқлари филиалидагилар истеъмолчини электр энергиясидан маҳрум қилиш ваколатига эга эмас. Бироқ шундай бўлсада, филиал ходимлари томонидан 2006 йил бошидан мониторинг ўтказилган кунга қадар корхона, ташкилотлар билан 32 та, аҳоли билан 152 та сабаблари кўрсатилган далолатномалар расмийлаштирилган.

Филиал ходимлари мониторинг ўтказишлари, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан юқори турувчи электр тармоқлари корхонасига мониторинг натижаларини тақдим қилиши лозим эди. Лекин улар аксинча иш тутиб, ўзларининг ваколат доирасига кирмаса-да, шу йилнинг 20 июнида «Мо-Янтекс» қўшма корхонаси, 6 июль куни «Унтегирмон» корхонаси, 15 июлда эса хусусий тиш даволаш муассасасида далолатнома тузиб, электр тармоғини узиб қўйишган.

Бу ҳам етмагандек, филиал ходимлари тузган далолатномалар амалдаги қонун талабларига тўғри келмайди. Аксарият масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий фирмаларда тузилган далолатномаларда гувоҳлар иштироки таъминланмаган.

Вилоят адлия бошқармаси қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларнинг такрорланмаслиги чораларини кўриш ҳақида «Сирдарёэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси номига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди.

Ўйлаймизки, тез орада тақдимнома ижроси таъминланади, мавжуд камчилик ва нуқсонлар бартараф этилади.

Мардали МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jamiyatimiz maqsadi

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қонунга биноан аввало, репрессив жазолаш турлари қисқартирилди. Бунда жазо билан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сир эмас, 90-йилнинг бошида майда ўғирлик ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга ҳам бир неча йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланар эди. Қонунчиликнинг ислоҳ этилиши натижасида эса бундай қилмишларга енгилроқ жазо тайинланиши белгиланди. Бугунги кунга келиб, Жиноят кодексидаги 460 жиноят таркибидан 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноят ҳисобланса (аввал атиги 18,7 фоиз эди), 12 турдаги жиноят оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятларга, 7 турдагиси эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилган. Қонунчиликнинг бу тариқа эркинлаштирилиши натижасида кодексдаги жиноятларнинг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга ўтказилди.

Маълумки, собиқ шўро даври қонунчилигида давлат, иқтисодий жиноятлардан ҳимоя қилинадиган объект, деб қабул қилинган эди. Унга кўра, давлатга етказилган зарар энг оғир жиноят ҳисобланар ,ва бундай қилмиш содир этган шахслар қаттиқ жазоланарди. Хусусан, мустақилликка қадар амалда бўлган қонунчиликда давлат мулкининг жуда кўп миқдорда ўғирланиши ёки порахўрлик учун ҳатто ўлим жазоси ҳам тайинланарди. Янги қонунда эса иқтисодий жиноятга қўл урган шахслар, агар етказилган зарарни қопласа, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши белгиланди. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликлари шаънига энг олий қадрият сифатида қарашни ўзига сингдирган одил ва демократик жамият қуриш йўлидаги яна бир қадамдир.

Бундан ташқари, Жиноят кодексида қўшимча жазо чораси сифатида амал қилинган мулкни мусодара қилиш жазоси бутунлай бекор қилинди. Вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан жазо тайинланиш эркинлаштирилиб, бу тоифадаги шахслар жиноятлари учун бериладиган жазо қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги белгиланди. Бу тоифа шахсларга нисбатан ўлим жазоси бекор қилинди. Бу ўз навбатида қонунчилигимизда миллий менталитетимиз ҳам ҳисобга олинганлигини кўрсатиб, халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Зеро, халқимиз азалдан болажон бўлиш билан бирга аёллар ва отахону оналарни доимо ардоқлаган, уларга чуқур меҳр ва ҳурмат билан қараб келган.

Дарвоқе, жиноят қонунчилигини либераллаштиришда асосий ислоҳотлардан бири бўлиб келаётган ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан чора-тадбирлар қонунчилигимизда 1994 йилдаёқ бошланган эди. Ўша йили қабул қилинган Жиноят кодексининг 13 та моддасида ўлим жазоси назарда тутилган эди. Кейинчалик босқичма-босқич камайтириб борилган ушбу жазо тури 2003 йил 13 декабрдаги II чақириқ Олий Мажлиснинг XIII сессиясида яна иккита жиноят санкциясидан ўлим жазоси чиқариб ташланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармонига биноан эса 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазоси жазо тури сифатида қонунчиликдан буткул олиб ташланадиган бўлди. Президентимизнинг 2006 йил 29 июндаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармойиши ўлим жазосини бекор қилиш ишига катта эътибор қаратилаётганини амалда яна бир карра исботлаб, бундай жазони бекор қилиш йўлида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш масаласини кун тартибига қўйди.

Жиноий жазоларни эркинлаштиришда амалга оширилган яна бир хайрли тадбир **«Жабрланувчи билан ярашув»** тўғрисидаги алоҳида тартибнинг амалиётга жорий қилиниши бўлди. **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун қабул қилиниши натижасида юзага келган ярашув институти жиноят-процессуал қонунчилигида янги ҳодиса бўлди дейиш мумкин. Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик, сабр-тоқат ва андиша инъикоси бўлган ярашув институти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис бугунги кунда суд-ҳуқуқ идоралари ходимлари малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига катта эътибор қаратилиб, биринчи навбатда, ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириб боришга урғу берилмоқда. Бинобарин, мустақиллик йилларида ҳар бир жабҳада бўлгани сингари суд ҳокимиятида ҳам устувор вазифалар ишлаб чиқилиб, бир қатор қўламдор ислоҳотларга қўл урилдики, уларнинг самарали ишга тушиши учун ҳам мутахассислар, ҳам аҳолининг ҳуқуқий савиясини ошириш талаб этилади.

Бош мақсадимиз давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора эмас, балки энг аввало, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига** эришишдир. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши самарали курашишда эса жазонинг оғирлиги ҳамда шафқатсизлиги эмас, балки жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини вақт исботлади.

Хайриддин ШЕРМУҲАМЕДОВ

Давлатимиз раҳбарининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорида маънавий қадриятимиз бўлмиш ҳомийликнинг аҳамиятини кучайтириш, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда барча мулкчилик шаклидаги ташкилот ва корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар назарда тутилган. Шунингдек, дастур оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ногиронларга меҳр кўрсатиш каби чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

«Huquq va burch» tanloviga

ОИЛА — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Оила ҳар қандай жамиятда асосий бўғин, унинг маънавияти ва ахлоқи манбаи ҳисобланади. Одамгарчилик ва инсонпарварлик ҳислари билан йўғрилган дунёқараш ҳамда феъл-атвор аввало, оилада намоён бўлади. Халқимиз беҳудага «Қуш уясида кўрганини қилади», деб айтмаган. Ота-оналар ва болалар, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, катталарга ҳурмат, болаларга ғамхўрлик жамият ҳаётининг маънавий барқарорлиги нишонасидир.

Президентимизнинг бозор муносабатлари шароитда ёш авлодни тарбиялашнинг ижтимоий кафолатларни таъминлаш мақсадида қабул қилинган **«Болалик оналарга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони билан муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришнинг кўлами янада кенгайтирилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Taassuf

БОШИ БЕРК КЎЧА...

Халқимизда: «Тўғри юрган етар муродга, эгри юрган қолар уятга», деган нақл бор. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қуйидаги воқеа ушбу нақлнинг ҳақиқат эканини яна бир бор исботлайди. Шу йил 8 май куни жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судида эгри юриб уятга қолганлар — Жасур Эшмуродов, Бобомурод Чўллиев, Ризоқул Сатторов, Фарҳод Атауллаев ва Ҳамид Ҳамидовга нисбатан ҳукм ўқиб эшиттирилди.

Хўш, улар қандай қилмишлари учун жазога лойиқ, деб топилди? Аслида, улар ажабтовур лавозимларда ишлаб келишган, жамоаларида обрў-эътиборга эга бўлишган. Бироқ нафс балоси уларнинг юзини ерга қаратди.

Ўтган йили октябрь ойида Жасур Эшмуродов жиноятга қўл урди-ю, шу баҳона ҳамтовоқларининг қилмишлари ҳам очилиб кетди.

— Ака, машина тайёр. 10 тонна диэтиленгликол қуйиб беринг. 800.000 сўмни мендан нақд санаб олинг-у, — деди «КамАЗ» русумли машина ҳайдовчиси Отабой Ҳошимов «Муборакнефтегаз» шўъба корхонасига қарашли Қоровулбозор нефт қуйиш эстакадаси мастери Жасур Эшмуродовга. — Одамгарчилик қилинг. Сизда ҳам бола-чақа бор, менда ҳам.

— Инсофинг борми, ука. 13.000.000 сўмлик маҳсулотга 800.000 сўм бериб мени лақиллатмоқчимисан, — деди Жасур Эшмуродов. — Бунча паст кетмасанг?!

— Жон ака, одамни қийнаманг. Келинг, қўлни ташланг, яна 200.000 сўм қўшдим. Рози бўлинг. Шерикларингизнинг ҳам томоғини «ҳўллашим» керак-ку ҳали.

Бу гапдан мастернинг юзи ёришгандай бўлди ва «машинани кирит» деб ишора қилди.

Машина эстакада ҳудудига киритилиб, 10 тонна маҳсулот қуйилди. Ҳайдовчи қўлига Кўқдумалоқ мажмуида жойлашган хорижий компания учун 8700 килограмм дизел ёқилғиси жўнатилаётгани тўғрисида қалбаки юк хати тутқазилди.

Отабой Ҳошимов иши хамирдан қил суғургандай осон кўчганидан хурсанд бўлиб кетаётганида тегишли идора ходимлари томонидан тўхтатилди. Текширилганда 10 тонна диэтиленгликол маҳсулотининг давлат нархи 13.000.000 сўм бўлиши аниқланди.

Кўқдумалоқ газ қазиб олиш мажмуи бошлиғининг муовини Бобомурод Чўллиев дастлабки терговда 10 тонна маҳсулот ноқонуний олиб чиқилганидан бехабар эканини айтди. Шунингдек, ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида бажарилган ишлар юзасидан ўтказилган тафтишда 104 тонна диэтиленгликол маҳсулоти талон-тарож қилинганига ҳам алоқаси йўқлигини билдириб, ўзини қўй оғзидан чўп олмагандай қилиб кўрсатди. Аслида эса у Жасур Эшмуродов билан жиноий тил бириктириб, 104,1 тонна диэтиленгликол маҳсулотини Қоровулбозор нефт қуйиш эстакадасидан қабул қилиб, кирим қилингани тўғрисида қалбаки «юк хат»лари ва сохта маълумотларни тиркаб, ҳисобот тузган. Катта миқдордаги маҳсулот талон-тарож этилгани аён бўлгач, Бобомурод Чўллиев ер чизиб қолди. Шунингдек, у Кўқдумалоқ газ қазиб олиш мажмуида бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ҳисобот тузиб, қўшиб ёзиш йўли билан 14.315.570 сўмлик алюминий қуқунини ортиқча чиқим қилган. Бироқ найранглари бир кун келиб фош бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган.

Қоровулбозор нефт қуйиш эстакадаси бошлиғи Ризоқул Сатторов сохта маълумотлар тузишда устаси фаранглардан экан. Бол тотли, деб бармоғини чайнаб юрган сохтакор ҳам энди оғриқни сезди. Мансаб курсисига ўтиргач, бошлари «гир-гир» айланиб, оёқлари ердан узилган бу кимсалар «туяни ютгин-у думи кўринмасин», қабилида иш тутишганга ўхшайди.

Ризоқул тепловозларга ҳар ой сарфланган дизел ёқилғиси ва мойлар бўйича реестр тузиб, унга сохта маълумотларни тиркаш билан машғул бўлган. Қўшиб ёзиб, дизел маҳсулотларини асоссиз тарзда ортиқча чиқим қилиб, сохта маълумотлар тузган. Қизиғи шундаки, тепловозларни ёқилғи ва мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳисобот юритиш эстакада бошлиғи ўринбосари расман Фарҳод Атауллаевга топширилган бўлса-да, бошлиқ бу ваколатни ўз зиммасига олган. Чунки унинг нияти бойлик орттириш бўлган. Оқибатда давлат манфаатларига 16.056.061 сўм зиён етказган.

— Ризоқул Сатторов менинг номимдан реестр тузган. Мен далолатномаларнинг тўғрилигини текшириб кўрмай, имзо қўйиб тасдиқлаганман, — деди суд тергови чоғида Фарҳод Атауллаев. — Бу, албатта, менинг лоқайдлигим. 4.458.723 сўмлик 30 турдаги товар-моддий бойликларни талон-тарож қилганимга иқрорман. Уни тергов жараёнида тўладим.

Энг олий ҳукм — бу виждон азобидир. Жиноятга жазо муқаррарлигини унутганлар энди суд ҳукмига кўра жазога тортилишди, ҳам виждон азобига дучор бўлишди. Эгри юриб, эл назаридан қолган бу кимсаларнинг қилмиши айримларга сабоқ бўлар, деб умид қиламиз. Дарвоқе, эгри йўлнинг боши берк эканини унутмайлик.

Ёқуб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва Қонун» мухбири

Huquqiy ma`rifat

МАНСУР ОТА ТОШКЕНТГА БОРАДИ

Беҳзод кечқурун ишдан қайтгач, дастурхон атрофида отаси билан у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирди. Гап орасида у дўсти Зоҳид отаси билан Тошкентга боргани, машина бозоридан ўзининг дидига мос «Матиз» сотиб олганини айтиб қолди. Сўнг ўзига ҳам Тошкентга бирга бориб машина олиб беришни сўради.

Ўғлининг гапларини эшитиб туриб, отанинг икки йил аввалги ташвишлари ёдига тушди. Ўшанда ота тўнғич ўғил Алишерга машина олиб бериш учун кечқурун автобусда йўлга чиққан, манзилга етгунча роса толиққанди. Алишер бозордан кўнглига ёққан «Тико»ни танлади. Машина эгаси Андижон вилоятида яшар экан. Ота ва ўғил «Тико»нинг эгаси билан Андижонга йўл олишди. Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизматининг рўйхатдан ўтказиш бўлими душанба куни ишламаскан, бир кун кутишди. Машина эгаси меҳмондўст, киши бўлиб, қанчалик иззат-икром кўрсатмасин, Мансур отанинг хаёлидан уйидаги кундалик юмушлар нари кетмади. Эртаси куни «Тико»ни рўйхатдан чиқаришди. Икки кун йўл босиб, қишлоғига келишди.

Беҳзод отаси икки йил бурунги воқеаларни эслаётганидан бехабар, гапим отамга маъқул тушмади, машина олиб бериш нияти йўқ экан, деган фикрга борди.

— Ўғлим, — деди отаси дафъатан, — тадбиркорлик орқасидан машина сотиб олишга етарли пул йиққанингни биламан. Машинани шу ердан олақол. Аканг Алишерга «Тико» оламиз, деб бутун водийни кезиб чиқувдик. Аканг билан иккаланг юборай, десам, кўнглим тинчимайди. Узоқ йўл, тағин бирор кор-ҳол рўй бермасин, дейман.

— Ҳозир қонунларимизда ўзгариш бўлган, — деди Беҳзод кутилмаганда. — Машина сотиб оладиган киши аввалгидек овора бўлмайди.

Мансур ота ўғлининг гапларини қизиқиш билан тинглай бошлади. Нияти амалга ошишига кўнглида умид уйғонган Беҳзод машинани қаердан сотиб олса ҳам ўзлари яшайдиган ҳудудда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий қилинганини гапириб берди. Мансур ота бир неча кундан сўнг ўғли Бекзод билан пойтахт машина бозорига борадиган бўлди.

Хўш, аслида машина олди-сотдиси бўйича қонунларга қандай ўзгаришлар киритилган?

Шуни айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартда қабул қилиниб, шу йилнинг 1 июлидан амалда жорий этилган **«Автотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори фуқароларга бу борада бир қатор қулайликлар яратиб берди. Мазкур қарор асосида ишлаб чиқилган **«Автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низом автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, машина олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартибини белгилаб берди.

Низом талабига кўра, автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, шунингдек, уларни бошқа шахсга ва ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Гербли (махсус) бланкалардаги ишончномалар ва шартномалар нотариал тартибда тасдиқланганлиги учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида герб йиғими ундирилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 июнда қабул қилинган **«Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарорига кўра, давлат божи миқдори транспорт олди-сотди шартномаси учун кескин даражада камайтирилди. Яъни 5-7 фоиз миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланди. Фақатгина чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари олди-сотди шартномаларини тасдиқлаш учун олинадиган давлат божи ставкалари миқдори ҳар бир от кучи учун ишлаб чиқарилган йилига қараб энг кам иш ҳақининг 10,20 ва 30 фоизи миқдорларида давлат божи ундирилиши сақлаб қолинди.

Фуқароларга яратилган яна бир қулайлик шундан иборатки, **«Автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 10-бандига кўра, машина сотиб олувчининг яшаш жойида Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати рўйхатидан ўтказиш бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади. Бу эса машинанинг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришда фуқароларнинг қимматли вақтларини тежайди.

Мамат ЗОИРОВ,
Шаҳноза ИМОМНАЗАРОВА

Jinoyat va jazo

ГИЁҲВАНДЛИК ГИРДОБИ

Дам олиш куни уй юмушлари билан андармон бўлиб, куннинг кеч бўлганини ҳам пайқамай қолибман. Бир маҳал эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Бўсағада қимтинибгина қўшнимиз Нигора турарди. Очиқ чеҳра билан қаршилаганим Нигорага далда бўлди чоғи, ичкари кираркирмас гап бошлади:

— Сизни ўзимга яқин олиб, бир масалада маслаҳатлашай, дедим. Турмуш ўртоғимни биласиз, бир-биримизга кўнгил бериб, оила қурганмиз. Қайнота-қайноналарим эмин-эркин яшашсин, деб тўйдан кейиноқ бизни шу уйга кўчириб келишди. Турмушимиз яхши эди, аммо... икки марта эримнинг ўзини укол қилаётганини кўриб қолдим. Сўрасам, «ишинг бўлмасин», дея жеркиб ташлади. Бировга айтишга иҳтиёлим қилаяпман. Турмуш ўртоғим гиёҳванд эмасмикан? Худо кўрсатмасин-у, шундай бўлиб чиқса, уни даволашнинг иложи борми?.. Шуни ўйлаб, ҳеч ҳаловатим йўқ, нима қилишни, дардимни кимга айтишни билмайман...

Очиғи, унга қандай йўл-йўриқ кўрсатишни билмай, бироз иккиланиб қолдим. Ҳали эрининг гиёҳвандлиги исботланмагани боис, ташвишланмасликни, қўлимдан келганча ёрдамлашишни айтиб, тасалли бердим. Шу ниятда эртаси куни Тошкент шаҳар Наркология диспансерияга бориб зарур маслаҳатлар олиш мақсадида тажрибали врач Жамшид Пўлатовга мурожаат қилдим.

— Гиёҳвандлик — гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик бўлиб, оғир оқибатларга олиб келади, — дейди Жамшид Пўлатов. — Бу касалга мутбало бўлганлар аввало, тиббий экспертизадан ўтказилади. Экспертизада гиёҳванд, деб топилган шахсга наркология диспансерининг уч йиллик рўйхатига олиниб, зарур муолажалар тайинланади. Даволашнинг эса бир неча босқичи бор. Биринчи босқич – беморни жисмоний қарамликдан чиқариб олиш. Бунинг учун оғриқнинг олдини олувчи ва оғриқ қолдирувчи тиббий воситалардан фойдаланамиз. Иккинчи босқичда бемор руҳий қарамликдан чиқариб олинади, бунда психологлар ёрдамига суянамиз. Албатта, бунда беморнинг қариндошлари ҳам бизга яқиндан ёрдам беришади. Яна бир муаммо борки, бу беморнинг гиёҳвандликка чалинганини қаттиқ сир тутишидир. Аксарият ҳолларда беморнинг қариндошлари бундан жуда кеч хабар топишади, бизга тўғридан-тўғри мурожаат қилишга андиша қилишади. Шуни инобатга олиб, диспансер қошида бепул маслаҳатхона ташкил этилган бўлиб, бемор шахси сир тутилган ҳолда, унга зарур маслаҳатлар берилади, диспансернинг доимий рўйхатига олинмай, шахси ошкор қилинмай даволанади. Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик бўйича рўйхатда турувчиларнинг қарийб ўн фоизи бугун бу хасталик чангалидан қутулиб, рўйхатдан ўчирилди. Аммо бу кўрсаткичдан хотиржамликка берилмаслигимиз, иллатни таг-томири билан қуритишга ҳаракат қилишимиз даркор.

Жамшид Пўлатов билан суҳбатимиз якунлангач, врач мени даволанаётган беморлар билан гаплашишга, уларнинг ўзларидан бу хасталикка қандай қилиб йўлиқишгани-ю, энди нечоғли афсус-надомат чекишаётганини сўраб билишга ундади.

— Ота-онам зиёли кишилар, ўзига тўқ оиланинг фарзандиман, — деб гап бошлади тошкентлик Азиз исмли йигит. — Ёшим йигирма тўртда. Тўғрисини айтсам, ўқувчилик пайтимдаёқ чекишга ўргандим. 9-синфдалигимда бир «акахонимиз» героинни ҳидлаб кўришга ўргатди. Бора-бора унга муккамдан кетдим. Институтнинг иккинчи курсида ўқиётганимда уйдагилар «сирим»ни билиб қолишди. Хусусий шифохонада даволатишди. Бироқ шерикларимнинг қистови билан яна бошлаб юбордим. Бир амаллаб институтни тугатдим-у, лекин ҳеч қаерда ишлай олмадим. Ҳозир аноним усулида яна даволанаяпман... Бу иллатга йўлиқиш жуда осон экан, аммо қутулиш амримаҳол. Ирода керак, жуда кучли ирода. Ҳазил-ҳазил билан гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим, энди ундан чиқиш жуда қийин бўлаяпти. Афсус-надоматларимнинг чеки йўқ. Мен қаторилар институтни битириб, уйли-жойли бўлиб, ҳаётдан ўз ўрнини топиб кетди. Мен эса...

(Давоми тўртинчи бетда)

ИРОҚ: ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

Кеча Ироқда содир этилган портлаш натижасида 20 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлган. Бу хунрезлик Боғдоднинг жанубида жойлашган Ас-Сувайра шаҳрида содир этилди, автомобилда жойлаштирилган портловчи мослама ҳаракатга келиши оқибатида 10 нафар киши воқеа жойида ҳалок бўлган, 15 нафар киши эса турли даражада тан жароҳати олган.

Маълумотларга қараганда, кеча Ироқнинг шимолида жойлашган Масъул шаҳрида бир гуруҳ жангарилар томонидан шаҳар маориф бошқармаси ходимларидан бирининг ҳаётига суиқасд уюштирилган.

Бундан ташқари шу кеча-кундузнинг ўзида мамлакат пойтахти Боғдод шаҳрида пиёдалар юрадиган йўлакда жойлаштирилган портловчи мослама портлаши натижасида 3 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган, 7 нафари эса оғир тан жароҳати олган.

Маълумотларга кўра, ўтган ҳафтада мамлакатда содир этилаётган террорчилик хуружлар натижасида 50 нафар киши ҳаётдан кўз юмган.

ШРИ ЛАНКА: ҚЎПОРУВЧИЛИК СОДИР ЭТИЛДИ

«НТВ» телекомпанияси тарқатган маълумотларга кўра, террорчи-камикадзе мамлакат денгиз ҳарбий колоннасига бостириб кириб, ўзини портлатиб юбориши натижасида 90 нафар киши воқеа жойида қурбон бўлган. Денгиз ҳарбий кучларидан 60 нафари эса жароҳатланган. Аслида эса қурбон бўлганлар сони бундан ҳам кўп эканлиги таъкидланмоқда.



Маълумотларга қараганда, террорчи-камикадзе мамлакат тинчлигига доимий хавф солиб келаётган «Тамил Иламани озод этувчи шерлар» ҳаракатига бевосита алоқадор кимса эканлиги айтилмоқда.

Интернет материаллари асосида Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

«Huquq va burch» tanloviga

ОИЛА — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг **«Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»**ги қарори эса идоралар ва ташкилотларга вояга етмаганлар масалалари билан шуғулланишда мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқини асослаб берди.

Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Миллатга хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар уларга гўдаклигидан сингдирилади. Энг асосийси, фарзандлар оила муҳитида жамият талабларини англай бошлайди. Афсуски, баъзи ота-оналар буни ўз-ўзидан бўладиган жараён, деб ўйлашади. Ваҳоланки, бу жуда нозик, катта масъулият, меҳнат талаб этади. Айниқса, бугунги шиддатли замонда янги авлодни эътиқодли, мустаҳкам иродали қилиб тарбиялаш алоҳида эътиборни тақозо этади.

Айтиш лозимки, ҳар бир ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз фарзандларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий-ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилаётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ҳаётда айрим ота ёки оналар ўз фарзандлари тарбияси билан мутлақо шуғулланмасдан, ичкилик ва гиёҳвандлик каби жамиятимизга номуносиб иллатлар гирдобига тушиб қолади. Бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида бўлимимиз қошида ташкил этилган «Оила дорилфунуни» ўқув-машғулотлар мактаби 1998 йилдан бери фаолият юритиб келади. Пухта режа асосида иш юритаётгани боис ушбу мактабнинг тингловчилари сони йил сайин ортиб бораяпти. Унинг асосий мақсад ва вазифалари: бўлажак келин-куёвларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила ҳақида аниқ ва пухта тушунчалар бериш, ёшларга никоҳ олдидан тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлигини тушунтириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, Оила кодекси ҳамда амалдаги қонунларимиз талабларини кенг тарғиб қилиш, бўлажак келин-куёвларнинг тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий билимларини оширишдан иборатдир.

Машғулотлар ҳар ойнинг жума кунлари ўтказилади. Мактабнинг фаол тингловчилари бўлажак келин-куёвлардир. Машғулотларда тажрибали психолог, ҳуқуқшунос, тиббиёт ходимлари, социолог, маънавият-маърифат ишлари бўйича мутахассисларнинг маърузалари тингланади. Бўлажак келин-куёвлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишади.

Машғулотлар ёш оилалардаги ўзаро низо ва ажралишлар, нораси гўдаклар етим бўлиб қолишининг олдини олишда муҳим омил бўлаяпти. Туманимизда ўтган йилдагига нисбатан оталикни белгилаш, ажралиш каби нохуш ҳолатлар камайгани ана шу саъй-ҳаракатларимиз самараси, дейиш мумкин.

Зеро, қонун талабларини бажариш ва савоб ишларга бош қўшиш ҳар биримизнинг жамият олдидаги бурчимиздир.

Зулфия МИРЗАЕВА,
Сурхондарё вилояти,
Сариосиё тумани

Sirli dunyo

ҚАЛБ КЎЗЛАРИ...

Мутахассисларнинг айтишларича, инсон ўзига берилган табиий, жисмоний ва руҳий имкониятларининг бор-йўғи бир неча фоизини рўёбга чиқаришга қодир экан. Аммо ҳаётда шундай одамлар борки, уларнинг умр йўли ва фаолиятига назар ташлаб, беихтиёр ҳайратга тушасиз. Улар учун оддий туюлган нарсалар сиз ва биз учун сирли мўъжизага айланади. Ана шундай ноёб истеъдод эгаларидан бири башоратчи Ванга эди. У ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. Китоблар чоп этилган.

Ванганинг жияни Красимира Стоянова ўзининг **«Ванга — башоратчи ва табиб»** деб номланган китобида унинг ҳаёти ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради.

Ванга 12 ёшга кирганида ғалати бир воқеа юз беради. Кунлардан бир кун Ванга болалар билан қишлоқ четида ўйнаб юрган пайт тўсатдан кўтарилган қуюн ичида қолиб кетади. Қуюн ичида кимдир унинг бошини силагандек бўлади. Бундан қўрқиб кетган Ванга ҳушини йўқотади. Ўзига келгач, ерда чалажон бир алфозда ётар, кўзларига қум-тупроқ тўлиб қолган эди. Дастлаб унинг кўзларидан қон оқади, сўнгра кўз қорачиқларини оқ парда қоплаб олади. Вангани шифокорга олиб борадилар. У икки марта операцияни бошидан кечиради, аммо бунинг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди. Ванга бир умрга кўр бўлиб қолади.

У ҳаёти давомида турмушнинг оғир синовларига бардош беради. Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини, очарчилик, қашшоқлик ва қийинчиликларни ўз бошидан кечиради. Ванга ёшлигиданоқ беморларни турли гиёҳлар билан даволар, одамлар тақдиридаги ўтмиш, бугунги кун ва келажакни айтиб берарди. Шу тариқа башоратчи Ванганинг қалб кўзлари одамлар учун энг армонли, энг ноёб ва зарур бўлган нарсаларни кўра бошлайди.

Қалб кўзлари билан аниқ кўриш гўёки рентген каби тасвирлаш, параллел олам каби тушунчалар фан нуқтаи назаридан бутунлай тушунарсиз ҳолатдир. Баъзилар Вангани ҳақиқий башоратчилар қаторига қўшиб, унинг номини эҳтиром билан тилга олсалар, бошқалар у махсус хизмат ходимаси, киракашлар ва меҳмонхона ходимлари ёрдамида ташриф буюрган одамлар ҳақидаги маълумотларни билиб олувчи айғоқчи, деб ўйлаганлар. Хўш, аслида Ванга ким бўлган? — деган савол ҳануз кўпчиликни қизиқтириб келади.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда Болгарияда ўз даврида Ванга билан ҳамсуҳбат бўлган кишилар кўплаб топилади.

Қуйида ана шундай кишиларнинг ҳикояларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

— Вангани бўлар-бўлмасга безовта қилмас эдим. Аммо одатда, ўзимнинг шахсий муаммоларим туфайли шунга мажбур бўлардим, — деб ҳикоя қилади Бургас шаҳрида яшовчи шифокор Поля Иванова. — Ўшанда Болгарияда чоп этиладиган газеталардан бирида Москвадан келган машҳур астролог аёлнинг тахминлари чоп этилган эди. Унда ёзилишича, икки-уч кун ичида Бургас шаҳрида даҳшатли зилзила содир бўлар экан. Одамлар ҳамма нарсасини ташлаб, денгиз соҳилидан олисроққа кўчиб кетишлари даркор. Мен бу башоратга унчалик ишонмадим. Бу гап-сўзларнинг ёлғон эканлигини сезиб турар эдим. Энг аввало, яқинларимни, қолаверса, одамларни тинчлантириш мақсадида Ванганинг ҳузурига йўл олдим. Чунки бундай вазиятда фақат Ванга одамларни тинчлантириши мумкин эди. Бироқ унинг ҳузурига кириш осон эмасди, бунинг учун одамлар икки-уч ой олдин рўйхатга ёзилишарди. Бунинг устига ўша кезлари Ванга Софиядан келган қандайдир юқори мартабали одамларни даволаётган экан. Шундай тиғиз бир вазиятда кутилмаган воқеа рўй берди. Ванга бирдан муолажани тўхтатиб, Бургасдан келган Поляни ҳузуримга навбатсиз олиб киринглар, деб қолди. У мендан сўрамасданоқ нима мақсадда келганимни айтди: «Поля, сен тўғри тасаввур қиляпсан. Сени қийнаётган нарса — фалокат юз бермайди». У сўзма-сўз «тўфон» юз бермайди, деб айтмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда иккимиз ҳам гап нима ҳақида эканини тушунган эдик.

«ЯНА ЎҒИЛ КЎРАСАН»

Физик-профессор Марин Маринов Болгариянинг кўзга кўринган олимларидан бири саналади. У кўп йиллар МАГАТЭда фаолият олиб борган. Шу билан бирга у ғайриоддий ҳодисалар бўйича ҳам мутахассис эди. У Ванганинг ҳузурига олим сифатида эмас, балки бошига ташвиш тушган одам сифатида ташриф буюради.

Гап шундаки, Марин ва унинг рафиқаси Лена ҳам ядро-физика соҳасида фаолият юритиб, узоқ йиллар Москва остонасидаги Дубна шаҳрида ишлаган эди. Ўша ерда дунёга келган ўғли Димитр туғма оқ қон хасталигига чалинган эди. Марин Болгарияга қайтгач, ўғлимнинг кейинги тақдири қандай бўлади? — деган ташвиш билан Ванга ҳузурига йўл олади. Бироқ Ванга касалхонада унинг ўғли билан ёнма-ён даволанаётган бола ҳақида гапиради: «Яқинда К. вафот этади», — дея бу фожианинг вақтини ҳам аниқ айтиб беради. Аслида Кирилл Димитр билан ёнма-ён даволанаётган бўлса-да, унинг соғлиғи анча яхши эди. Буни қарангки, айтилган куни Кирилл вафот этади. Марин эса рафиқасига «биз ҳам тайёр туришимиз керак», — деб шивирлайди. Димитр ҳам орадан бир ой ўтгач, бу ёруғ оламни тарк этади.

«СЕНГА НИМА БУЮРСА, ШУНИ БАЖАР»

Фарзандидан айрилиб қолган Мариновлар оиласида кўп ўтмай иккинчи фарзанд, ўғил бола дунёга келади. Унга ҳам Димитр деб исм беришади. У 14 ёшга кирганида юрак қопқоқчаларидан бирининг хаста экани маълум бўлиб қолади. Платинадан ясалган сунъий қопқоқчанинг баҳоси эса 480 минг АҚШ доллари қийматига тенг турар эди. Олимнинг уни харид қилишга қурби етмас эди. У сўраб-суриштириб, ахийри канадалик дўстлари ёрдамида ана шу қопқоқчани топади. Ўз навбатида канадаликлар мабодо Димитр ўлиб қолса, ушбу қимматбаҳо жиҳозни қайтариш шартини қўядилар. Жарроҳлик операциясидан аввал Марин яна Ванга ҳузурига боради. «Мен сенинг ўлиб кетган онангни кўраяпман», — дейди Ванга.

— Мен бошқа ташвиш билан сизнинг олдингизга келдим, — дейди профессор.

— Биламан, сени кичик ўғлинг ташвишга солмоқда.

— Энди нима қиламан? — дейди профессор.

— Сен Чириков билан маслаҳатлашдингми? — дейди Ванга жиддий оҳангда.

— Йўқ, — деб жавоб беради профессор.

— Тез унинг ёнига бор. Сенга у нима буюрса, шуни бажар, — дейди Ванга.

— Уни топа оламанми?!

— Ҳа, топасан, — дейди Ванга.

Ванга айтган Чириков машҳур юрак жарроҳи эди. Бироқ Марин Чириков билан умуман таниш эмас, шу боис уни қандай қилиб топсам, деб боши қотарди. Буни қарангки, профессорнинг танишларидан бири Чириковни чет элдан келтирилган ноёб дори-дармонлар билан таъминлаб турар экан. Қисқаси, Марин ана шу таниши ёрдамида профессор билан учрашади. Юрак жарроҳи болани диққат билан кўздан кечиргач, у кунданкунга соғайиб бораётгани, ҳеч қандай операцияга ҳожат йўқ эканини айтади. Шундан сўнг платинадан ясалган юрак қопқоқчасини яна Канадага қайтариб юборишади.

Ҳозир Димитр Маринов 42 ёшда. Уч нафар фарзанди бор. Соғ-саломат ҳаёт кечирмоқда.

ТУЛКИ МЎЙНАСИ

Профессор Мирослав Попов кўп йиллардан буён Болгария соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт институтига раҳбарлик қилади. Мирослав аскарлик даврида Петрич шаҳрида истиқомат қилувчи бир йигит билан дўстлашиб қолган эди. У Ванганинг қўшниси бўлиб, унинг ҳузурига тез-тез кириб турар экан. Кунлардан бирида у башоратчини бир зиёрат қилиб келмаймизми, дея таклиф қилиб қолади. Попов бунга дарров рози бўлади. Чунки унинг Ангел исмли дўсти жуда оғир хасталик — бўйин лимфа тугунларининг ялиғланиши касаллиги билан оғрир эди. Уни даволаш мақсадида чет элларга ҳам олиб боришади. Аммо энг ўткир шифокорлар ҳам унга ёрдам беролмайди. Ангелнинг отаси Мирославнинг қўлига бемор боши остига қўйиб ётадиган оқ қанд бўлагини тутқазади. Болгарияда Ванганинг ёнига оқ қанд бўлаги билан келиш одатини ҳамма яхши билади. Ванга қанд бўлагини қўлига олиб, шундай башорат қилади: «Операция амалга оширилади. Аммо ундан ҳеч қандай фойда чиқмайди. Лекин Ангелнинг отаси самолётда бир одам билан танишиб қолади. У одам беморга малҳам бўлади!»

Ҳақиқатан ҳам, охир-оқибат шундай бўлди. Ангелнинг отаси самолётда бир табиб билан танишиб қолади. Ангел унинг ёрдамида соғайиб кетади.

Мирослав иккинчи марта Ванганинг хонадонига ташриф буюрганида танишларидан бирининг илтимосини Вангага айтади. «Дўстим хотини билан ажрашсинми ё йўқми»? Ванга бундай тутуруқсиз саволни эшитиб хафа бўлади.

— Яхшиси, Софияга қайтган пайтингда машинангнинг ўнг томонига эътибор бер, — дейди Ванга.

Дарҳақиқат, у ўтирган «Москвич»нинг олдинги ўнг ғилдираги қўлмак билан тўлган чуқурга тушиб кетади. Профессор Попов навбатдаги учрашувлардан бирида Вангага юзланиб, унга қандай совға ҳадя этишни сўрайди. «Агар Россияга борсанг, — дейди Ванга. — Менга тулки мўйнасини олиб келгин». Олимнинг боши қотиб қолади. Биринчидан, яқин ўртада унинг Россияга бориш режаси йўқ, иккинчидан, Россияга борганда ҳам тулки мўйнасини қаердан топади?! Тақдирнинг ўйинини қарангки, тез орада уни иш юзасидан Петербург шаҳрига сафарга юборишади. Бу, албатта, яхши. Аммо Невский кўчасида тулкилар изғиб юрармиди? Бунинг устига Поповнинг овчилар билан муталақо алоқаси йўқ. Буни қарангки, Невский хиёбонидаги дўкон витринасидан тулкининг ҳурпайган мўйнаси кўзга ташланиб турар эди...

Хорижий матбуот материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси вилоятнинг Узун тумани давлат нотариат идорасидаги давлат нотариуслиги лавозимига танлов эълон қилади.

Ушбу танловда иштирок этишни истаган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал бўйича Малака комиссиясига 2006 йил 5 ноябрга қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорлар қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида имтиҳон комиссиясининг қароридан кўчирма.
7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар тегишли Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
8. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танлов вилоят адлия бошқармаси биносида ўтказилади.
Манзилимиз: Термиз шаҳар, А.Икромов кўчаси, 40-уй, телефон: 7-57-98.

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
2. «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар;
3.«Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
4. «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар, катта ўқитувчи — 1 нафар;
5. «Халқаро хусусий ҳуқуқ» кафедраси бўйича доцент — 1 нафар;
6. «Криминология ва жиноят ҳуқуқи» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
7. «Факультетлараро тиллар» кафедраси бўйича доцент — 1, катта ўқитувчи — 1 нафар;
8. «Факультетлараро ижтимоий гуманитар фанлар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
9. «Факультетлараро хорижий тиллар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;
10. «Жисмоний тарбия» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1 нафар;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона, 40-хона. Телефон: 136-09-39, 133-48-66.

IPOTEKA BANK

... шундай пайтлар бўладики,
кутилмаган харидлар
бизга қувонч
бахш этади



Ипотекабанк пластик карточкалари - бу сизнинг маҳсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 13000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган
WWW.IPOTEKABANK.UZ

Хоразм вилояти адлия бошқармаси қошидаги Адвокатлар бўйича малака комиссиясининг 2006 йил 19 сентябрдаги қарорига асосан Ниязметова Гулруҳ Кураловнага Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан 2006 йил 2 февраль куни берилган HZ — 000180 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тўхтатилди.

Jinoyat va jazo

ГИЁҲВАНДЛИК ГИРДОБИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Мен эса, мана, ўргимчак тўрига тушгандай, кўзимдан осилиб ётибман. Бекорга буни «оқ ажал» дейишмас экан.

Камол исмли яна бир суқбатдошимиз оилада ёлғиз фарзанд бўлганини, етишмовчилик нималигини билмай-кўрмай вояга етганини, тўқликка шўҳлик қилиб ёмон одамлар тузоғига тушиб қолганини афсусланиб гапирди:

— Улар жуда усталик билан мени тузоққа илинтиришди. «Героин»га ўрганганимдан кейин дадам автоҳалокатга учраб, оламдан ўтди. Энди менга ҳеч ким жарақ-жарақ пул бермас, ўзим эса ишлаб пул тополмасдим. Оқибатда уйдаги қўлга илинган буюмларни сотиб, хуморимни босиб юрдим. Кутилмаганда онам сезиб қон босими кўтарилиб, тўшакка михланиб қолди. Қариндошларим онамга ачинганларидан, даволатиш учун мени бу ерга олиб келишди... Энди кўзим очилди, минг бора афсус қилдим, ўзимни қўлга олишга интиляпман. Тенгқурларимга фақат айтадиган битта гапим шу: бу заҳри қотилдан узоқроқ юринг, унинг гирдобига тушган одамнинг ҳаёти қуйиб кетади.

Гиёҳвандликка чалинган ҳар икки бемор йигит ўзларини боши берк кўчага кириб қолгандай тасаввур қилишади. Бу кўчанинг ниҳояси эса тубсиз жарлик эканини улар билишади. Шу боис уларнинг афсуснадомати чеки йўқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, миллий урф-одатимизга, соғлом турмуш тарзига мутлақо зид бўлган гиёҳвандлик иллатининг илдиз отишидан, инсонлар умрига зомин бўлишидан кимлар манфаатдор?

– Юртимизга олиб кирилаётган гиёҳванд моддаларнинг аксарият қисми қўшни Афғонистонга чегарадош бўлган Сурхондарё вилояти ҳудудида қўлга олинаётир, – дейди давлат Божхона қўмитаси матбуот хизмати ходими Маъмуржон Абдиев.

Маълумотларга қараганда, Афғонистон бугунги кунда «героин» ишлаб чиқиш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. 2002 йили «опий» ишлаб чиқиш 14 бараварга ошган. 2003 йили 7000 тонна, 2004 йили 12.000 тонна «опий» кўкнори етиштирилган. Бу йил эса ушбу кўрсаткич 15.000 тоннадан ошиши кутилмоқда.

Тадқиқотларда аниқланишича, бугунги кунда гиёҳвандликка чалинганларнинг 80 фоизи 18 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Демак, гиёҳванд моддалар савдосидан мўмай даромад орттиришни кўзлаган кимсалар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, кўпни кўрган инсонларни ўзларининг қабиҳ ниятларига шерик қила олмаслигини англаган ҳолда, алдовга учадиган ёшларни йўлдан оздириш пайида бўлишмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. 1999 йил 19 августда **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлда **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги қарорнинг қабул қилиниши гиёҳвандликка қарши кураш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Кўрилаётган изчил чора-тадбирларга қарамай, айрим кимсалар гиёҳвандлик воситалари келтирадиган офатни билган ҳолда, бу оғудан мўмай даромад орттиришга ружу қўймоқдалар. Сурхондарёлик О.Бўтаев ва А.Холиқовнинг жиноий қилмиши фикримизга яққол далил бўлади. 2006 йилнинг апрелида улар дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган тожикистонлик кимсалар билан ўзаро жиноий тил бириктиришган О.Бўтаев ва А.Холиқов Сариосиё туманидаги айланма йўллар орқали Тожикистон Республикаси, Хатлон вилояти, Ригар туманига белгиланган тартибни бузган ҳолда киришади. Олдиндан тузилган режага мувофиқ мазкур ҳудудда уларни тожикистонлик жиноий шериклари кутиб олади. 129 килограмм 527,8 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини О.Бўтаев ва А.Холиқовга топширишади. Улар белгиланган тартибни бузиб, заҳри қотилни чегарадан контрабанда йўли билан Сурхондарё вилояти Сариосиё туманига олиб ўтишади. Жиноятчилар бу оғуни Дашнобод ширкат хўжалиги Бодомзор маҳалласида яшовчи Х.Муҳаммадиеванинг хонадонига яширишади. ИИВ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида Х.Муҳаммадиеванинг уйидан 129 килограмм 527,8 грамм «героин» гиёҳвандлик моддаси топиб олинади ва бу ҳолислар иштирокида расмийлаштирилиб, жиноятчи А.Холиқов қўлга олинади. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди мазкур жиноий ишни ўрганиб, А. Холиқовга ўн тўққиз йил қамоқ жазоси тайинлади. Жиноий жавобгарликдан яшириниб юрган О.Бўтаев ҳам эртами-кечми жиноятига яраша жазо олади. Гиёҳвандлик воситаси савдосига ўзини урган Сайфулла Ҳасанов муқаддам уч бор судланган. Шу йилнинг апрель ойида Денов шаҳрида дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсдан 3 килограммга яқин «опий» гиёҳвандлик воситасини 1800 АҚШ долларига ва 350 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини 20.800.000 сўмга баҳолаб, пуллаш мақсадида Тошкент шаҳрига олиб келган. Хайриятки, тезкор маълумотга асосан, Чилонзор тумани ички ишлар ходимлари С.Ҳасановни ўз вақтида далилий ашё билан қўлга олишган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди С. Ҳасановни ўн икки йилга озодликдан маҳрум қилди.

Қиғир иш — келтирар ташвиш, дейди халқимиз. Гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилаётган кимсалар келтираётган ташвиш эса жуда оғир ҳамда ўта хавфлидир. Бу нопок йўл билан бойлик орттириш илинжидагилар ҳам, заҳри қотилнинг домига илинганлар ҳам ўз оёқларига ўзлари болта уришаётганини юқорида келтирилган ҳаётий мисолларда кўрдик. Зеро, гиёҳвандлик – оғу, кимки яқинлашса, албатта, завол топади. Буни унутмаслигимиз даркор.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўриқош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-1216. Тиражи — 7500.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6